

# Дин нима?



17:00 / 24.07.2022 16949

## *Диннинг маъно-моҳиятини англамоқ керак*

«Диннинг ҳақиқати» – кўринишдан икки сўздан таркиб топган бўлса-да, шарҳи узун бир маърузага айланиб кетади. Лекин мен диққатингизни энг муҳим нарсага бурмоқни истардим.

Ҳозирги замонда қаерда ва қачон дин тилга олинса, кишини дунёдан бурувчи ва дунёга зид нарса деб тушунилади. Ва қайсидир тарафдан динга қайтинг деган чақириқ келса, аксар ҳолатда одамлар буни дунёни мутлақ тарк қилмоқлик керак деб тушунадилар ва агар биз дин тарафга юзланадиган бўлсак, дунёдаги биз учун зарур нарсалар ва истакларимизни тарк қилишимиз керак бўлиб қолади, акс ҳолда диннинг барокотини ҳосил қила олмаймиз, деб фикр юритамиз. Дин ва дунё бирини иккинчисига қўшиб бўлмайдиган, бир-бировига тескари деган тушунча ҳосил бўлган. Шу ва бошқа нарсалар менга туртки бўлиб, ушбу мажлисда қисқача «диннинг ҳақиқати» деб нимага айтилади, қайси ўринда дин дунёга тескари ва қай ҳолатда дунё билан ҳамнафас эканлигини айтиб ўтмоқчиман.

Инсон ва дин учун.

Гапнинг асли шуки, бирор шахс Аллоҳ таолога иймон келтирган бўлса, яъни у ушбу коинотни бир яратувчи бор қилди, бу ой, қуёш ва юлдузларнинг холиқи ва инсонни пайдо қилгувчи зот борлигига таслим бўлса ва Аллоҳ таолонинг яратиши ва яратгач инсонни ерга юборишидан бирор мақсад борлиги ва ушбу мақсадни ҳосил қилмоқ учун эса бир йўли кераклиги кундай равшандир. Чунки Аллоҳ таоло инсонни ҳеч қандай мақсадсиз пайдо қилмоғи ва ҳидоят нуридан маҳрум қилиб, зулмат ботқоғига ташлаб қўймоқлиги мумкин эмасдир. Ҳосили гап, кимки Аллоҳ таолонинг борлигига ишонса ва унга иймон келтирса, Аллоҳ таоло бундай инсонни ҳидоятга чорлайди ва унга қай тарзда ҳаёт кечирши йўлини ҳам айтиб беради.

Дунёда муомала икки қисмга бўлинади.

Бунга бошқача ном билан ҳам таъбир берса бўлади. Масалан: Аллоҳ таоло ғайбни билгувчи ва мутлоқ ҳақим зотдир. Шунинг учун у инсонни коинотга юборгандан сўнг, инсон баъзи нарсаларни бамайлихотир англаб бирор-бир ташқи раҳнамосиз уни эътироф қилиб ва амал қила олишини ҳам Аллоҳ таоло азалдан билган. Шу билан бирга, агар Аллоҳ таоло инсонни ҳеч қандай раҳнамосиз ташлаб қўйса, унинг ақли оқсайдиган ва бу оқсаш оқибатида тўғри йўлдан адашиши муқаррар бўлган бир қанча муаммолар ҳам Аллоҳ таолога азалдан маълум. Шу сабабдан Аллоҳ таоло башариятни бундай хавфдан ҳимоя қилиш учун ва одамлар яхши-ю ёмонни фарқласинлар деб ҳукмлардан иборат бўлган бир тўпламни бизга ҳада қилган.

***Шайх Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий.***

*Таржимон: Акмал Абдурахмон.*